

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил [] ойининг [] куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси А.Бойбиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Хожиевнинг котиблигида, тарафлардан Термиз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Чориев, судланувчи Н.Б ва унинг ҳимоячиси “Адолат” адвокатлик фирмаси адвокати А.Раджабовларнинг иштирокида, Б.Н.Ага оид 1-1901-2202/[]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[] туғилган,
миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси,
маълумоти [], [], []
[], муқаддам судланмаган,

яшаб келган, иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни текшириб, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Б.Н.А фрибгарлик йўли билан ўзганинг пулларини қўлга киритиш мақсадида 2021 йил 26 ноябрь куни Термиз шаҳар “Маърифат” маҳалласи ҳудудида жойлашган Сурхондарё вилояти суди биносининг ёнида Термиз шаҳар, “ []

[] қисқа муддат ичида унга янги “Спарк” русумли автомашина олиб беришни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, унинг 34.424.224 сўм қийматига тенг бўлган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йил 26 ноябрдаги маълумотига кўра 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 10.757,57 сўмни ташкил қилган) 3.200 АҚШ доллари ҳамда 15.575.776 сўм анча миқдоридаги пулларини



фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, Н.Давроновага ваъда қилган автомашинани олиб бермасдан, ушбу пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланувчи Н.Б суд мажлисида, ўз айбига қисман иқрорлигини билдириб, 2021 йил тахминан куз ойларида ўзининг ишлари билан Халк банки Термиз шаҳар бўлимида Давронова Наргиза исмли аёл билан танишиб қолганлиги, шу вақтдан бошлаб у билан опа-сингил каби яхши муносабатда бўлиб, телефонда гаплашиб юрганлиги, 2021 йил ноябрь ойида унга анча миқдорда пул керак бўлиб қолганлиги, шу вақтда Н.Давронова унинг аҳволини кўриб, унга “Синглим, Сизга ўзим ёрдам бераман, ҳеч нарсани уйламанг” деб айтганлиги, шунда у Н.Давроновадан қарзга 25.000.000 пул бериб туришини сўраганлиги, Н.Давронова 3 ой муддатда қайтариш шарти билан қарзга 25.000.000 сўм пул беришга рози бўлганлиги, унга шу пул жуда зарур бўлганлиги сабабли унинг шартига рози бўлганлиги, 2021 йил 26 ноябрь куни Термиз шаҳар “Маърифат” маҳалласи ҳудудида жойлашган вилоят суди биносида фаолият кўрсатаётган нотариал идорада ишловчи Нигина исмли қизнинг хонасида ундан 25.000.000 сўм пулларни қарзга олганлиги, шу пайтда Н.Давронованинг янгиси Нафиса, нотариал идорада ишловчи Жўраева Нигина исмли қиз ҳам бўлганлиги, Н.Давронова унга 50 млн сўм пулларни олганлиги ва “Спарк” русумли автомашина олиб бериши ҳақида тилхат ёзиб берса, унга пулларни беришини айтганлиги, шу вақтда унга пул жуда зарур бўлганлиги сабабли унинг айтган гапларига рози бўлиб тилхат ёзиб берганлиги, ҳақиқатда у ундан 25 млн сўм пуллар олганлиги, ишлари юришмаганлиги сабабли 500 АҚШ долларини қайтариб бериб, қолган пулларини белгиланган вақтда қайтариб бера олмаганлиги, шу сабабли Н.Давронова унинг устидан Термиз шаҳар ИИБга гуёки у “Спарк” русумли автомашинаси олиб беришни ваъда қилиб, 50 млн пулларини олиб кетганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилганлигидан кейинчалик хабар топганлиги, терговчи томонидан унга қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланишини айтганлиги учун 44.220.0000 сўм пулларни тергов органининг депозит ҳисоб рақамига тўлаганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчидан кечирим сўраганлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан уни муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини инобатга олиб, жазодан озод қилишни ва тергов органининг депозит ҳисоб рақамига ортиқча тўланган пулларини қайтариш беришни сўради.

Судланувчи Н.Б ўз айбига қисман иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлсада, судда унинг айби қуйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини топади.



Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, 2021 йил 20 ноябрь куни банкдан кредит олиш учун Халқ банки Термиз шаҳар бўлимига борган вақтида [REDACTED] билан танишиб қолганлиги, у ундан банкка нима мақсадга келганлигини сўраганлиги, шунда у унга кредит маблағи ҳисобига “Спарк” автомашинаси олмоқчи эканлигини айтганлиги, Н.Б унга автомашинани ўзи олиб беришини, фақат олдиндан 50.000.000 сўм пул тўлаш кераклигини, 2022 йил февраль ойига қадар автомашинани олишни айтганлиги, шундан кейин у қариндошларидан қарзга пулни олиб, 2021 йил 26 ноябрь куни “Маърифат” маҳалласи ҳудудида жойлашган вилоят суди биносида нотариал идорада [REDACTED] таниши Нигинанинг иштирокида 50.000.000 сўмга ҳисоблаб 3.200 АҚШ доллари ва қолганига сўм пулларни берганлиги, Н.Б ундан 50.000.000 сўм пулларни олганлиги, “Спарк автомашинасини 2022 йил февраль ойига қадар олиб бериш учун деб тилхат асосида берганлиги, ушбу ҳолатни телефон орқали видеотасвирга ҳам олишганлиги, лекин Н.Б унга автомашинани олиб бермасдан, пулларни ҳам қайтармасдан келганлиги, шундан сўнг у Термиз шаҳар ИИБга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлганлиги, Н.Б унга автомашинани ўзи олиб беришини айтганлиги, юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали олиб бериши ҳақида айтмаганлиги, Н.Б унга фақат 500 АҚШ доллари пулларини қайтарганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ундан қолган пулларини ундириб беришни сўради.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, 2 йилдан буён “Маърифат” маҳалласи ҳудудида жойлашган вилоят суди биносида таржимонлик фаолияти билан шуғилланиб келишлиги, ушбу бинода нотариуслан ҳам фаолят кўрсатиб келишлари, 2021 йил 26 ноябрь куни ҳар доимгидек ишхонасига келган вақтида таниши Давронова Наргиза олдида келганлиги, унинг ёнида нотаниш бўлган бир аёл ҳам бўлганлиги, улар ундан нотариус орқали қарз шартнома қилиб беришини сўрашганлиги, шунда шу бинода фаолят кўрсатаётган нотариал идора ходимларидан сўраганида улар унга қарз шартномасини фақат “Бахт уйи”да ишлайдиган нотариуслар расмийлаштириб беришларини айтишганлиги, шундан сўнг Н.Давронова нотаниш аёл билан унинг хонага “бир тилхат ёзиб олайлик” деб киришганлиги, нотаниш аёл ўзини [REDACTED] деб таништирганлиги ва Н.Давроновадан пул олганлиги ҳақида ўзининг фуқаролик паспортининг нусхасига тилхатни ёзиб берганлиги, лекин қанча пул олганлигини у билмаслиги, Н.Давронова айтганлиги учун у ушбу ҳолатни видео тасвирга тушурганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, [REDACTED] турмуш ўртоғининг синглиси бўлишлиги, 2021 йил тахминан



ноябрь ойида унинг телефон рақамига бир нотаниш қиз қўнғироқ қилиб, [REDACTED] эканлигини, [REDACTED] опанинг таниш синглиси бўлишлиги, унга ёрдам беришини, унга анча миқдорда пул кераклигини айтиб, ундан қарзга пул бериб туришни сўраганлиги, шунда у нотаниш қиз телефон қилиб, дабдурустдан шундай гапларни айтганлиги учун у ҳайрон бўлиб қолганлиги, шундан унга нима учун унга қўнғироқ қилаётганлигини, қарзга пулни таниши Н.Давроновадан олишини айтиб, телефонни қўйиб қўйганлиги, эртаси куни Н.Б яна унга телефон қилиб, “опа, менга қарзга пул топиб беринг” деб айтганлиги, шунда у унга “олдин бошқа сенга ўхшаган бир қизга пул бериб, ҳалигача пулимни олмасдан юрибман, менинг сенга берадиган пулим йўқ” деб телефонини ўчирганлиги, орадан бир оз вақтлар ўтгандан сўнг Н.Бни унинг қайсинглиси Давронова Наргизадан “Спарк” автомашинасини олиб беришини ваъда қилиб 50.000.000 сўм пул олганлигини эшитганлиги, у уларнинг пул олди-бердиси вақтида у умуман бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи Н.Бнинг айби жабрланувчининг аризаси, далилий ашёни кўрдан чириш ва олиб қўйиш ҳақида баённома, юзлаштириш баённомалари, нарсани ашёвий дилел деб эътироф этиш ҳақида қарор, унинг пул олганлиги ҳақидаги тилхати ва ушбу ҳолатлар тасвири туширилган видеоёзув, шунингдек тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериши, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши;

4-бандининг биринчи хатбошида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши;

5-бандида, фирибгарликда ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулкдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозимлиги, ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан



шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Н.Бнинг фирибгарлик йўли билан ўзганинг анча миқдордаги пулларини қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасида, шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш асослари кўрсатилган бўлиб, унга кўра жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали ҳулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида, жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англамаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, иш биринчи инстанция судида кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарганлигини, судланувчи Н.Бнинг содир этган жиноятининг оқибатларини тўла англаб етганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшлигини, жабрланувчига етказилган зарарларни қоплаганлигини, муқаддам судланмаганлигини, у томонидан содир этилган жиноят жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар турига киришини ҳозирда уни ижтимоий хавфлигини йўқотганлигини инobatга олиб, ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни, унга нисбатан қўлланилган “Муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Суд, жиноят оқибатида етказилган зарарларнинг қопланиши масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчи [REDACTED] га етказилган 500 АҚШ доллари қайтарилганлигини эътироф этишни, Н.Б томонидан қолган зарарни қоплаш учун Сурхондарё вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 44.500.000 сўм пулларни [REDACTED] га топширишни лозим топди.



Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Б.Н.А Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Н.Бга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи _____га етказилган 500 (беш юз) АҚШ доллари қайтарилганлиги эътироф этилсин.

Н.Б томонидан қолган зарарни қоплаш учун Сурхондарё вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 44.500.000 (қирқ тўрт миллион беш юз минг) сўм пуллар _____ топширилган.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

А.Бойбилов

